

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУГИ

**ШНҚ 2.04.16-23 «ҚУЁШ СУВ ИСИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК
НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 11 марта ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 238]**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 13 марта даги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ буораман:

1. ШНҚ 2.04.16-23 «Қуёш сув иситиш қурилмалари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги 311-сон буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.04.16-18 «Қуёшли иссик сув таъминоти қурилмалари» қурилиш меъёрлари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.
4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 20 февраль,
01/6-1-сон
Келишилди:

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б.
ЮСУПАЛИЕВ**

2024 йил 19 январь

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.
АБДУХАКИМОВ**

2024 йил 12 январь

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 8 январь

Энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2024 йил 27 январь

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирининг
2024 йил 20 февралдаги
01/6-1-сон буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 2.04.16-23 “Қуёш сув иситиш қурилмалари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) қуёш сув иситиш қурилмаларини лойиҳалаштиришга оид бўлган талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚ талаблари иссиқлик пунктларини, шунингдек иссиқ сув таъминоти тизимлари, корхоналар, бинолар ва иншоотларни технологик эҳтиёжлари ҳамда даволаш профилактика муссасалари биноларида ва бошқа биноларда даволаш тадбирлари учун мўлжалланган техник шартларга мувофиқ саноатда ишлаб чиқарилган, комплектли маший қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини лойиҳалаштиришга нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Норматив-хуқуқий хужжат, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуийдаги норматив-хуқуқий хужжат, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга ҳаволалар келтирилган:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Газ хўжалигига ҳавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 16 марта 226-сон қарори;

ШНҚ 1.04.01-22 “Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш ва мониторинг қилиш”;

ҚМҚ 2.01.08-19 “Шовқиндан ҳимоя”;

ҚМҚ 2.04.01-98 “Бинолар ички водопроводи ва канализацияси”;

ШНҚ 2.01.01-22 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар”;

ШНҚ 3.01.02-23 “Қурилишда ҳавфсизлик техникаси”;

ШНҚ 2.01.02-04 “Бинолар ва иншоотларнинг ёнгин ҳавфсизлиги”;

ГОСТ 21.1101 – 2013 “Қурилиш учун лойиҳа ҳужжатлари тизими. Лойиҳа ва ишчи ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар” (*расмий манбаа: Система проектной документации для строительства. Основные требования к проектной и рабочей документации*).

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қуийдаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

фаол элемент – қуёш тизимининг элементи бўлиб, у ўзининг махсус шакли ва геометрик параметрлари туфайли суюқлик оқимининг гидродинамик қўрсаткичларига фаол таъсир қўрсатади ҳамда турли хил ижобий энергия эффектларига эришишни

таъминлайдиган элемент;

дублёр – қуёш сув иситиш қурилмаларидан олинган сувни иситиш учун мўлжалланган анъанавий иссиқлик манбаи;

ўрнини босиши коэффициенти – қуёш энергияси билан таъминланган иссиқлик юкламанинг улуши;

ўз-ўзини дренаж қиласидиган қурилма – циркуляция насоси тўхтатилганда, иссиқлик ташувчисини музлашдан химоялаш учун автоматик равища уни дренаж бакига тўкиб, насос ишга тушганидан кейин иссиқлик ташувчиси билан қайта тўлдириладиган қурилма;

стагнация – иссиқлик ташувчисини циркуляцияси тўхтагандаги тизимнинг ишлаш режими;

сувнинг ҳарорат стратификацияси – ҳароратга қараб сув зичлигини ўзгариши натижасида юзага келадиган вертикал ҳароратнинг ўзгариши;

иссиқлик қабул қилиш контури – бевосита қуёш энергияси билан иссиқлик ташувчининг қиздиришни амалга оширадиган контур.

3-боб. Умумий қоидалар

3. Турагжой, жамоат, ишлаб чиқариш, ёрдамчи бинолар ва хоналарнинг қуёш сув иситиш қурилмаларини ишончли ишлашини таъминлаш учун лойиҳаларда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

насосларни оптималь тартибда ишлашини таъминлаш учун уларни ростлаш ва созлаш ишларини бажариш кетма-кетлиги;

танланган автоматлаштириш асбобларни мос равища созлаш ишлари;

курилмаларнинг техник фойдаланиш тадбирлари ҳақидаги кўрсатмалар.

4. Қуёш сув иситиш қурилмаларидан фойдаланишнинг техник-иктисодий мақсадга мувофиқлигини аниқлаш услуби ушбу ШНҚнинг 1-иловасида келтирилган.

5. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг электр мосламалари “Электр ускуналарини тузилиши қоидалари” (20-15-143/14-сон, 2006 йил 18 июль) талабларига жавоб бериши керак.

6. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг газ мосламалари Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартағи 226-сон қарори билан тасдиқланган “Газ хўжалигига хавфсизлик қоидалари” талабларига жавоб бериши лозим.

7. Биноларнинг томларида жойлашган қуёш сув иситиш қурилмаларида эвакуация йўлларининг сони ва жойлашиши ШНҚ 2.01.02-04да белгиланган ёнгин ҳавфсизлиги талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

8. Қуёш сув иситиш қурилмаларини лойиҳалаш мазкур ШНҚ ҳамда КМҚ 2.04.01-98 нинг талабларига мувофиқ амалга оширилиши зарур.

4-боб. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг асосий жиҳозлари

9. Қуёш сув иситиш қурилмалари учун бир ёки икки қават ойнали ясси оқиб ўтувчи қуёш сув иситиш қурилмаларини, шунингдек икки қават ойнали қувурсимон вакуумли сувга бевосита иссиқлик узатиладиган U-симон қувурлар ёки иссиқлик қувурлари билан жиҳозланган қуёш сув иситиш қурилмаларини қўллаш лозим.

Концентрациялайдиган қүёшли ёки ойнасиз ясси қуёш сув иситиш қурилмаларини, шунингдек пластикли қуёш сув иситиш қурилмаларини қўлланилиши техник-иқтисодий асослангандағина йўл қўйилади.

10. Қуёш сув иситиш қурилмаларидан фойдаланишда биноларнинг иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимларида ишлатиладиган сув насосларини қўллаш лозим.

11. Қуёш сув иситиш қурилмаларида антифризлардан фойдаланилганда ҳўл роторли ёки зичлиги жиҳатидан ўхшаш бўлган бошқа насослардан фойдаланиш керак.

Электр энергияси таъминотида узилишлар пайтидаги циркуляция насосларининг стагнация режимидаги фавқулодда тўхташ вақтида қурилманинг қизиб кетишини олдини олиш учун икки контурли антифризга эга бўлган тизимларда ўз-ўзини дренаж қиласидан қурилмалардан фойдаланиш лозим.

12. Бир ва икки контурли қуёш сув иситиш қурилмаларида ўз-ўзини дренаж қиласидан қурилмалардан фойдаланилганда, иссиқлик ташувчисининг циркуляцияга сарфланадиган электр энергиясини тежаш ҳамда насосларни тўхташ ва ишга тушуриш вақтида гидравлик зарбаларни олдини олиш мақсадида тораювчан мосламалар кўринишга эга бўлган фаол элементларни қўллаш лозим.

13. Фаол элементлар иссиқлик қабул қилиш контурида дренаж бакининг уланиш жойларида қуёш сув иситиш қурилмаларидан сувни тўқилишини таъминлаш учун пастроқда ўрнатилиши, бунда унинг торайган кесими дренаж баки билан уланиши ҳамда фаол элементнинг ўзи эса циркуляция насосининг сўриш қувурчасида ўрнатилиши лозим.

Торайиш мосламаси шаклидаги ўзини-ўзи бошқарувчи фаол элементнинг геометрик ва гидродинамик кўрсаткичларини ҳисоблаш усули мазкур ШНҚнинг 2-илювасида келтирилган.

14. Ўз-ўзини дренаж қиласидан қуёш сув иситиш қурилмаларининг иссиқлик қабул қилиш контурида антифриз (сув ёки мой) билан тўлдиргандан сўнг электр энергиясини тежашда иссиқлик ташувчисини айлантириш учун частота регуляцияси билан ишладиган циркуляция насосларидан фойдаланиш лозим.

15. Туаржой биноларида циркуляция насослари ўрнатилганда кам шовқинли ҳўл роторли насослар ишлатилиши ёки ҚМҚ 2.01.08-19да келтирилган шовқин ва тебранишни камайтириш чоралари кўрилиши лозим.

16. Қуёш сув иситиш қурилмаларини бир контурдан бошқасига тезкор иссиқлик узатилиши ва пластинкали иссиқлик алмаштиргичлари ёки иссиқлик алмаштиргичли бак аккумуляторлар билан амалга оширилиши керак.

Иссиқлик алмаштиргичларнинг сиртларини ҳисоблашда ҳарорат босимининг ўртача логарифмик қиймати 5°C дан ошмаган ҳолда олиниши лозим.

17. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг ишлаш самарадорлигини, қурилманинг фойдаланишга тайёрлигини ва тизимнинг иссиқлик (тўплаш) аккумуляциясини ошириш учун қуёш сув иситиш қурилмаларида сувнинг вертикал ва горизонтал ҳарорат ўзгариши содир бўладиган иссиқлик аккумуляторларидан фойдаланиш зарур.

Аккумуляторларда сувнинг ўзгармас ҳарорат стратификациясини таъминлаш учун унинг ҳароратига қараб, тегишли ҳарорат қатламларига селектив тақсимлаш ва улардан сувни олиш учун мўлжалланган тешикли (перфорацияли) қувур шаклидаги ўз-ўзини бошқарувчи фаол элементларни қўллаш лозим.

18. 20 m^2 гача бўлган қуёш сув иситиш қурилмаларида иссиқлик аккумуляторларига сувни селектив тақсимлаш ва олиш учун мўлжалланган перфорацияли қувурлар билан жиҳозланган бойлерлардан фойдаланиш керак.

19. 20 m^2 дан ортиқ бўлган қуёш сув иситиш қурилмалари иссиқлик аккумуляторларига сувни селектив тақсимлаш ва олиш учун мўлжалланган перфорацияли қувурларнинг геометрик ва гидродинамик кўрсаткичларини ҳисоблаш йўли билан аниқлаш лозим.

20. Сувли иссиқлик аккумуляторларининг ҳарорат қатламларига мос равища сувнинг ҳароратига кўра тақсимлаш ва олиш учун перфорацияли қувур шаклидаги ўзини-ўзи бошқарувчи фаол элементнинг геометрик ва гидродинамик кўрсаткичларини ҳисоблаш усули мазкур ШНҚнинг 3-иловасида келтирилган.

21. Ишлаш самарадорлигини ва ишончлилигини ошириш мақсадида қуёш сув иситиш қурилмалари сувининг иситиш ҳароратини бошқариш учун автоматлаштирилган фаол элементлардан фойдаланилиши ва ушбу қурилмаларнинг ечимлари, схемалари лойиҳада назарда тутилиши керак.

22. Насос циркуляцияли қуёш сув иситиш қурилмаларида иситиш жараёнини бошқариш ва ҳолатини назорат қилиш учун ҳарорат датчикли электрон контроллерлардан фойдаланиш зарур.

Қуёш сув иситиш қурилмаларининг энергия самарадорлигини аниқлаш усули ушбу ШНҚнинг 4-иловасида келтирилган.

5-боб. Қуёш сув иситиш қурилмаларини конструкциялаш

23. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг турини танлаш бинонинг тури ва вазифасига кўра иқтисодий асослантирган ҳолда бажарилиши зарур.

24. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг асосий схемалари ва уларни ҳар хил турдаги сувли иссиқлик аккумуляторлари ҳамда сувни иситиш учун дублёр қурилмалар ёрдамида амалга оширишга оид бўлган мисоллар мазкур ШНҚнинг 5-иловасида келтирилган.

25. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг схемасини танлашда бино ва иншоотнинг тури унинг вазифасига кўра, шунингдек қуёш сув иситиш қурилмаларининг турига, қурилмани ишлатиш мавсумига мувофиқ бўлиши, бунда қуёш сув иситиш қурилмаларининг қишида музлашдан ва ёзги мавсумда стагнация режимида қизиб кетишидан ҳимоя қилиш усулига қараб амалга ошириш лозим.

26. Табиий циркуляцияли ва тўғри оқимли бир контурли схемаларни, мавсумий қуёш сув иситиш қурилмаларининг мустақил (автоном) қурилмаларида қўллаш керак.

27. Насос циркуляцияли бир контурли ўзини-ўзи дренаж қиласидаган схемани, умумий майдони 30 m^2 дан ошадиган, иссиқлик қабул қиласидаган контури ва ясси қуёш сув иситиш қурилмаларини музлашдан ва қизиб кетишидан ҳимоя қилиш учун юқори қувватли тўлиқ йил мобайнида ишладиган қуёш сув иситиш қурилмаларида қўллаш лозим.

28. Насос циркуляцияли икки ва уч контурли ўзини-ўзи дренаж қиласидаган схемаларни, ясси ва қувурсимон вакуумли қуёш сув иситиш қурилмалари билан жиҳозланган, иссиқлик қабул қиласидаган контурида стагнация ҳолатида ёз мавсумида қизиб кетишидан ҳимоя қилиш учун музламайдиган суюқлик (антифриз) ишлатиладиган, йил давомида фойдаланиладиган қуёш сув иситиш қурилмаларида қўллаш лозим.

29. Мавсумий қурилмаларда, гелиоконтурда иссиқлик ташувчисининг табиий ёки насос ёрдамида циркуляциялаш билан бир контурли схемаларни қўллаш керак.

30. Табиий циркуляцияли, алоҳида бак-аккумуляторли бир модулдаги майдони 30 m^2 гача бўлган қуёш сув иситиш қурилмаларини қўллаш лозим.

31. Табиий циркуляцияли майдони 30 m^2 дан ортиқ бўлган қуёш сув иситиш қурилмалари бир геометрик сатҳда жойлашган, совук сув узатиладиган ва иссиқ сув олинадиган қувурӯтказгичлари билан параллель боғланган алоҳида бак-аккумуляторларга эга бўлган мустақил модулларга бўлиш лозим.

32. Икки контурли қурилманинг иссиқликни қабул қилиш контурида иссиқлик ташувчиси сифатида деаэрацияланган сув ёки захарли бўлмаган ва ёнмайдиган антифриздан ёки мойлардан фойдаланиш керак.

Диэтиленгликоль асосидаги антифризлардан фойдаланишга йўл қўйилади. Ушбу ҳолатда иккита боғлик бўлмаган иссиқлик алмаштиргичли бак-аккумуляторлар ёки уч контурли қурилма ишлатилиши лозим.

33. Қуёш сув иситиш қурилмалари қўшимча (дублёр) иссиқлик манбалари (қозонхона, электр қозони ва бошқалар) билан ўзаро боғланган бўлиши керак.

34. Ёзги душларда жўмраклардаги босим камида $1,5\text{ m}$ олиниши, бунда ҳар бир жўмрак мустақил равишда иссиқ ва совук сув етказиб бериши керак.

35. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг фазовий жойлаштирилишини қурилиш майдонининг имкониятларини, ландшафт ва иқлимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш лозим.

36. Биноларнинг томида жойлаштириладиган қуёш сув иситиш қурилмалари таянчларга ўрнатилиши керак.

37. Томдан қуёш сув иситиш қурилмаларининг тагигача бўлган масофа томни таъмирлашга имконият бериши лозим.

38. Қуёш сув иситиш қурилмалари оптималь жойлашиши жануб ҳисобланиб, шарққа 20° гача, жанубий ғарбга 30° гача оғишига йўл қўйилади.

Йил давомида ишлайдиган қурилмалар учун қуёш сув иситиш қурилмаларининг горизонтга нисбатан қиялик бурчаги маҳаллий кенглика тенг қилиб олиниши, бунда ёз мавсумида маҳаллий кенглигидан 15° айириб ташлаб, иситиш даврида эса маҳаллий кенглигига 15° қўшиб қабул қилиш лозим.

39. Чўкувчи грунтларда қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини лойиҳалаштиришда сув чиқаришда ва қурилма сув қўйиб юборган ҳолда бино ва иншоотлар остидаги грунтда сув тўпланишини ва ташлама сувларини ирригация ёки бошқа усувларда чиқариш чоралари кўрилиши лозим.

40. Бак-аккумуляторлар, иссиқлик алмаштиргичлар ва қувурӯтказгичларда иссиқлик изоляциясини назарда тутиш лозим.

Қувурӯтказгичлар ва ускуналарни иссиқлик изоляциясининг термик қаршилиги иссиқлик йўқолишининг 5 фоиздан ошмаслиги керак.

41. Гелио қабул қилувчи контурининг сувини тўкиш ва тўлдириш учун мосламалардан (тўкиш жўмраклари ва водопровод сувини узатиш учун вентиллар) фойдаланиш лозим.

42. Қуёш сув иситиш қурилмаларида ҳавони чиқариш учун клапан бўлиши керак.

43. Табиий циркуляцияли қурилмаларда куйидагилардан фойдаланиш керак:

сув узатувчи қувуртказгичларни, водопровод сувини бак-аккумуляторнинг пастки қисмига улашда;

күёш сув иситиш қурилмаларидан исиган сувни олиб кетувчи ва уни иссиқ сув таъминоти тизимиға узатувчи қувуртказгичларни бак-аккумуляторнинг юқори қисмига улашда;

бак-аккумулятори билан улаш учун ўтиш диаметри 20 mm дан кам бўлмаган қувурлардан.

44. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг магистрал қувуртказгичлари ётқизилганда, иссиқлик ташувчиси табиий айланишли қурилмалар учун 0,01 дан, иссиқлик ташувчиси насосли циркуляцияли қурилмалар учун эса 0,002 дан кам бўлмаган қияликда бўлиши зарур.

45. Қуёш сув иситиш қурилмаларини уловчи қувурларнинг қалинлиги бутун узунлиги бўйича 5-10 mm қабул қилиш лозим.

46. Қуёш сув иситиш қурилмаларини жойлаштиришда қаторлар ёки қурилманинг блоклари орасида горизонтал бўйича масофани йил давомида ишлатиладиган қурилмалар учун қатор ёки қуёш сув иситиш қурилмалари блокининг 1,7 m баландлигига тенг, ёзда ишлатиладиган қурилмалар учун эса қатор баландлигини 1,2 m га тенг қилиб олиш керак.

47. Қуёш сув иситиш қурилмаларини лойихалаштириш жараёнида уларнинг гурухидан (бу гурухлар параллель уланганда) иссиқлик алмаштиргичлар, бак-аккумуляторни кириш ва чиқиш жойида иссиқлик ташувчиси ҳароратини ўлчаш ҳамда иссиқлик қабул қилиш нуқтасида манометр ўрнатиш лозим.

48. Қуёш сув иситиш қурилмаларидан чиқаётган иссиқ сувнинг доимий ҳароратини таъминлаш учун иссиқлик ташувчисининг циркуляцияси насос ёрдамида бўлган қурилмалардан ҳамда автоматик созлагичлардан, табиий бўлган қурилмаларда эса ўзини-ўзи бошқарадиган элементлардан фойдаланиш керак.

49. Иссиқлик қабул қилиш контурида иссиқлик ташувчисини доимий сарфи билан ишлайдиган қуёш сув иситиш қурилмаларини циркуляцияли насослар билан бошқариш учун дифференциал термосозлагичларни қўллаш лозим.

Бунда, битта датчик иссиқлик ташувчиси йўналиши бўйича охирги қуёш сув иситиш қурилмалари пластинаси пастки юзасига ўрнатилиши, иккинчиси эса бак-аккумуляторда совук сувни кириш қувурчаси сатҳида тезкорлик иссиқлик алмаштиргичда эса ундан иссиқ сув чиқиш қувурчасида ўрнатилган бўлиши лозим.

50. Қуёш сув иситиш қурилмалари самарали ишлаши учун уларни гурухларга аралаш (кетма-кет параллел ва параллел кетма-кет) схема бўйича уланиши таъминланиши керак.

Қуёш сув иситиш қурилмаларида иссиқлик ташувчисининг ҳаракатини пастдан юқорига деб қабул қилиш лозим.

Катта майдонли қуёш сув иситиш қурилмаларининг алоҳида секциялари носоз ҳолга келганда, бутун қурилмани тўхтатмасдан уларни ўчириш имконияти кўзда тутилиши лозим.

51. Майдони 30 m^2 дан катта бўлган насос ёрдамида циркуляция қилинадиган қуёш сув иситиш қурилмаларининг иссиқлик қабул қилиш контурида захира насос ўрнатилиши керак.

52. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг лойиҳаларида баландлиги 0,9 м дан кам бўлмаган ҳамда тагига 0,1 м дан кам бўлмаган яхлит қопламага эга бўлган зина панжаралари билан жиҳозланган нарвонлар ва доимий майдончалар назарда тутилиши, бунда ўтиш майдончалари ва нарвонлар иккиёқлама тўсиқ (перила)ларга эга бўлиши зарур.

53. Силлиқ майдончалар ва зинапоялардан фойдаланмаслик лозим.

Нарвонларнинг эни камида 0,6 м, поғоналар орасидаги баландлиги кўпи билан 0,2 м, зинапояларнинг эни эса камида 0,08 м бўлиши керак.

Баландлиги 1,5 м дан катта бўлган нарвонлар горизонталга нисбатан 50° қиялиқда ўрнатилиши лозим.

54. Қуёш сув иситиш қурилмалари, арматуралари, ўлчов назорат асбоблари ва бошқа жиҳозларга хизмат қилиш учун эркин ўтиш йўлакларининг эни 0,8 м дан кам бўлмаслиги зарур.

Ер юзи, ёпмалар ёки ишчи тўшамалардан 5 м гача баландликда бўлган қуёш сув иситиш қурилмаларига хизмат кўрсатишида ШНҚ 3.01.02-23 талабларига мувофиқ тиркаб кўйиладиган нарвонлар ва кўчма вишкалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

55. Қуёш сув иситиш қурилмалари лойиҳаларда келтирилган кўрсатмаларга асосан монтаж қилиниши керак.

6-боб. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг ҳисоби

56. Қуёш сув иситиш қурилмаларини ҳисоблашда қурилманинг турига (мустақил, ёки дублёр), йил давомида ишлаш даврига (мавсумий ёки йил давомида), иссиқлик ташувчисининг иссиқлик қабул қилиш контурида циркуляция усулига (табиий ёки насосли) ҳамда уларни музлашдан ва стагнация ҳолатида қизиб кетишдан ҳимоя қилиш усулига қараб амалга ошириш лозим.

57. Иссиқ сув таъминотида мавсумий қурилмаларни ҳисоблаш жадваллар ва номограммалардан фойдаланган ҳолда соддалаштирилган усулда бажарилиши, шунингдек йил давомида ишлайдиган қурилмаларни ҳисоблаш мазкур ШНҚнинг З-иловасига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Якуний ҳисоб-китобларда қуёш сув иситиш қурилмалари ва иссиқлик аккумуляторининг хақиқий кўрсаткичлари ҳисобга олиниши керак.

58. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг юзаси 30 m^2 дан ортиқ бўлган юқори кувватли қурилмаларни қўллаш ҳисоб-китоблар ва моделлар ёрдамида асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

59. Дублёр манбали қурилмаларнинг ҳамма турлари иш даврида қуёш радиацияси йиғиндиси энг кўп бўлган ой кўрсаткичлари бўйича ҳамда дублёр манбаси мавжуд бўлмаган тизимлар эса энг кам бўлган ой кўрсаткичлари бўйича ҳисобланиш лозим.

60. Мавсумий дублёрсиз қурилманинг қуёш сув иситиш қурилмаларини нур ютувчи юзасининг майдони A , m^2 , қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$A = \frac{V_{i,s}}{q_{i,s}\eta_T}, \quad (1)$$


бу ерда:

$V_{i.s.}$ – иссиқ сувнинг ўртача суткалик сарфи, $1/d$, истеъмолчиларнинг иссиқ сув сарфининг меъёри бўйича ҚМҚ 2.04.01-98 га мувофиқ қабул қилинади;

$q_{i.s.}$ – қурилманинг иссиқ сув бўйича ўртача мавсумий суткалик солиштирма унумдорлиги, $1/(m^2 d)$;

η_T – қувурўтказгичларнинг иссиқлик йўқотишини ҳисобга оловчи коэффициент, $\eta_T=0,8\div0,85$ га тенг деб қабул қилинади.

Мазкур ШНҚнинг 1-расмига мувофиқ қурилманинг иссиқ сув бўйича ўртача мавсумий суткалик солиштирма унумдорлиги $q_{i.s.}$, $1/(m^2 d)$ ни қуёш энергиясининг горизонтал юзага келиб тушадиган умумий кунлик миқдори E_g , $MJ/(m^2 d)$ га қараб аниқлашда қурилиш майдони учун қурилманинг ишлаш даврининг энг кам миқдордаги қуёш нурига эга бўлган ой ШНҚ 2.01.01-22 талабларига мувофиқ қабул қилинади.




1-расм. Иссиқ сув таъминоти қурилмасининг ўртача суткалик солиштирма унумдорлиги $q_{i.s.}$ ни қуёш энергиясининг горизонтал юзага келиб тушадиган умумий кунлик миқдори E_g га бағлиқлиги.

61. Йил давомида ишлайдиган дублёрли қурилманинг қуёш сув иситиш қурилмаларини нур ютувчи юзасининг дастлабки майдони A , m^2 қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$A_{pr} = \frac{\theta Q_n}{E_g}, \quad (2)$$

θ – ўлчамсиз параметр (унинг қиймати қуёш энергияси ҳисобидан иссиқлик юкламасини ўрнини босиш f коэффициентига боғлиқ ҳолда аниқланади).

Куёш энергияси ҳисобидан иссиқлик юкламасини ўрнини босиш f коэффициентини θ ўлчамсиз параметрига боғлиқлик графиги мазкур ШНҚнинг 2-расмida келтирилган.



2-расм. Күёш энергияси ҳисобидан иссиқлик юкламасини ўрнини босиш f коэффициентини θ ўлчамсиз параметрига боғлиқлик графиги.

Q_n – ҳисобий даврга нисбатан олинган иссиқлик юклама ёзги мавсум ёки 1 йил учун J қуидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_n = N V_{i.s} \rho c_r (t_{i.s.} - t_{s.s.}), \quad (3)$$

бу ерда:

N – ҳисобий даврдаги қунлар сони, d;

$V_{i.s.}$ – иссиқ сувнинг ўртача суткалик сарфи, l/d, ҚМК 2.04.01-98 га мувофиқ қабул қилинади;

ρ – сувнинг зичлиги, kg/m³;

c_r – сувнинг солиширма иссиқлик сиғими, $c_r = 4190 \text{ J/(kg } ^\circ\text{C)}$;

$t_{i.s.}$ – иссиқ сувнинг минимал рухсат этилган ҳарорати, $^\circ\text{C}$, ҚМК 2.04.01-98 бўйича қабул қилинади;

$t_{s.s.}$ – водопровод совуқ сувнинг ҳисобий ҳарорати, $^\circ\text{C}$;

E_k – ҳисобий даврда қуёш сув иситиш қурилмаларининг 1 m² сирт майдонига тушаётган қуёш энергиясининг ўртача йифинди миқдори, J/m^2 , қуёш сув иситиш қурилмаларида уфқа нисбатан нишаб β бурчаги билан белгиланади ва қуидаги формула орқали аниқланади:

$$E_k = RE_g, \quad (4)$$

бу ерда:

R – мос равища қия ва горизонтал юзаларга тушадиган қуёш нурларининг ўртача ойлик миқдорининг нисбати,

$R=1,4$ га $\beta=\varphi+15^\circ$ бўлганда;

$R=1,1$ га $\beta=\varphi$ бўлганда;

$R=1,05$ га $\beta=\varphi-15^\circ$ бўлганда;

E_g – ҳисобий даврда горизонтал юзага тушаётган қуёш энергиясининг ўртача йифинди миқдори, J/m^2 , қурилиш майдони учун ШНҚ 2.01.01-22 га мувофиқ қабул қилинади.

Қуёш сув иситиш қурилмалари жанубий йўналишида 15° гача оғганда ютилган радиация миқдори 5 фоизга камаяди, 30° га оғганда эса – 10 фоизга.

62. Йил давомида ишлайдиган дублёрли қурилманинг қуёш сув иситиш қурилмаларини нур ютувчи юзасининг якуний майдони A , m² қуидаги формула орқали аниқланади:

$$A = \frac{A_{pr}}{\varepsilon_k \varepsilon_{ak}} \quad (5)$$


бу ерда:

ε_k – қуёш сув иситиш қурилмаларининг таянч $\frac{U_{baz}}{U_{max}} = 6,3 \text{ W/(m}^2 \text{ } ^\circ\text{C)}$ қиймати учун


курилган f ни θ бўйича графикага унинг техник паспорти маълумотлари бўйича олинган ҳақиқий $\frac{U_k}{U_{max}}$ кўрсаткичларининг фарқи таъсирини ҳисобга оловчи тузатиш коэффициенти;

ε_{ak} – иссиқлик аккумуляторининг қабул қилинган солиширма V_{ak} хажмини таянч солиширма $V_{ak}^{baz} = 0,05 \text{ m}^3/\text{m}^2$ хажмидан фарқини ҳисобга оловчи тузатиш

коэффициенти.



3-расм. Қуёш сув иситиш курилмаларининг $\frac{U_k}{U_{k,0}}$ хақиқий кўрсаткичларидан тузалиш коэффициенти ε_k нинг боғлиқлиги.



4-расм. Иссиқлик аккумуляторининг қабул қилинган солиширма V_{ak} ҳажмини унинг таянч солиширма $V_{ak,baz}$ $0,05 \text{ m}^3/\text{m}^2$ ҳажмига бўлган нисбатига ε_{ak} тузалиш коэффициентинг боғлиқлиги.

63. Насос ёрдамида циркуляция қилинадиган қуёш сув иситиш курилмаларининг максимал соатлик ишлаб чиқарувчанлиги сув тақсимлаш графигида белгиланган меъёрдан юқори бўлса, курилмаларга бак-аккумуляторлар ўрнатилиши лозим.

Бак-аккумуляторларнинг ҳажми V , m^3 курилмада сув истилишининг ва сув истеъмол қилинишининг суткалик графиклари бўйича аниқланиши керак.

Суткалик график мавжуд бўлмаса, иқлимий худудга боғлиқ бўлган ҳолда $V=(0.06-0.08) A$ формула бўйича, бунда жанубий иқлимий худудлар учун каттароқ қийматни қабул қилиш лозим.

64. Иссиқлик қабул қилиш контурида иссиқлик ташувчисининг сарфи ўзгариб турганда насосларни танлаш сарфи максимал катталиги бўйича бажарилади.

Иссиқлик ташувчисининг сарфи доимий бўлганда унинг солиширма сарфи 20-40

$\text{kg}/(\text{m}^2\text{h})$ оралығыда қабул қилиниши керак.

65. Иссиклик ташувчиси ўзгарувчан сарфли қурилмаларни лойихалаштирилган иссиқлик алмаштиргичларнинг ҳисоби иссиқлик ташувчисининг ва сув сарфининг ўртача соатлик қиймати бўйича бажариш лозим.

66. Қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига иқтисод (тежалган) қилинган ёқилғи миқдорининг B , т.ш.ё./йил, ҳисобини қўйидаги формулага мувофиқ бажариш керак.

$$B = 0.0342 Q/\eta_{yoq.is}. \quad (8)$$

бу ерда:

Q – мавсум (йил) бўйича қуёш сув иситиш қурилмалари ишлаб чиқарган йигинди иссиқлик миқдори Q , Gj /йил, мазкур ШНҚнинг 6-иловасига асосан аниқланади;

$\eta_{yoq.is}$ – ўрни босилган иссиқлик манбанинг фойдали иш коэффициенти.

7-боб. Қуёш сув иситиш қурилмаларини ўрнатиш бўйича талаблар

67. Қуёш сув иситиш қурилмаларини монтаж қилиш ишлари кетма-кетлиги ишчи чизмалар орқали амалга оширилиши керак.

Мавжуд бино ва иншоотларда қуёш сув иситиш қурилмаларини ўрнатиш бўйича лойиха ҳужжатлари ишлаб чиқилиши лозим.

68. Қуёш сув иситиш қурилмаларини очиқ ҳавода қўйидаги жойларда ўрнатиш лозим:
биноларнинг (яssi ёки нишабли) томи ва бошқа ёndoш иншоотларга;
балконлар, бинонинг меъморий бўртиб чиқсан қисмига;
ер сатҳи (қуёшли очиқ майдон)га.

69. Қуёш сув иситиш қурилмаларини ўрнатишда соя берадиган қўшни бинолар, дараҳтлар, электр узатиш линиялари, тутун қувурлари унга сезиларли таъсир этмаслиги лозим.

70. Қуёш сув иситиш қурилмалари жануби-шарққа ёки жануби-ғарбга (оптимали – жанубга) қаратиб ўрнатиш керак.

Қуёш сув иситиш қурилмаларини жойлаштиришда жанубий йўналишдан шарққа 15° гача оғиш қуёш нурланишининг 5 фоизга, ғарбга эса 30° гача оғиш қуёш нурланишининг 10 фоизга камайишига олиб келишини ҳисобга олиш лозим.

71. Қуёш сув иситиш қурилмаларини ўрнатишда мавжуд бино ва иншоотларнинг монтаж қилиш мумкин бўлган жойлардаги конструкцияларнинг юқ кўтара олиш қобилиятига (мустаҳкамлигига) кўра ШНҚ 1.04.01-23 га мувофиқ техник кузатув хulosалари бўлиши керак.

72. Қуёш сув иситиш қурилмалари остидаги таянч конструкцияларни лойихалашда қўйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

шамол ва қор юкланишларини;
куёш сув иситиш қурилмаларини жойлаштириш режасини;
худудларнинг сейсмик куч таъсирларини.

73. Қуёш сув иситиш қурилмаларини жойлаштиришда қаторлар ёки блоклар орасидаги масофа горизонтал равишда ускунанинг йил давомида ишлашини ҳисобга олган ҳолда 1.7 м га teng ва ёзги мавсумда эса 1.2 м баландликка teng олинади.


74. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг фойдали иш коэффициенти тушиб

кетишини олдини олиш мақсадида юза қисмининг тозалигини (қор, ёмғир, чангдан) таъминланишини назарда тутувчи чора-тадбирлар лойихада инобатга олиниши керак.

75. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг оптимал қиялик бурчаги қуёш сув иситиш қурилмалари ва горизонт орасидаги бурчак (вакуум найчали ушлаб турувчи рама) ҳисобланади.

76. Биноларнинг нишабли том қисмига тизимни ўрнатишда қиялик бурчаги томнинг нишабига асосан ҳисобга олинади.

Энг катта энергия микдори вакуум найчалари бўлган раманинг инсолация йўналишига тўғри бурчак остида жойлашуви бўйича қабул килинади.



5-расм. Қиши ёз мавсумида қуёшнинг ҳолати.

77. Қуёш сув иситиш қурилмаларининг тепа қисмида ҳеч кандай қўшимча қурилмалар бўлмаслиги керак.

78. Қуёш сув иситиш қурилмаларини ўрнатишдан олдин у ўрнатиладиган гидравлик тизимнинг бутунлиги ва ишга яроқлилигига ишонч ҳосил қилиш, шунингдек сув таъминоти тармоғининг тўғри уланганлиги ва герметиклиги (сув сизиб чиқиши)ни текшириш лозим.

Магистрал қувурларда иссиқлик йўқотилишини камайтириш мақсадида қуёш сув иситиш қурилмаларини иссиқ сув ишлатиладиган жойга яқин қилиб ўрнатиш лозим.

79. Қуёш сув иситиш қурилмаларини куннинг салқин ва булутили пайтида ўрнатиш тавсия этилади.

Ўрнатиш пайтида вакуум найчаларни қуёшда қизишдан сақлаш лозим.

Тизимни ўрнатгандан сўнг, идишни сувга тўлдириб герметиклигини текшириш керак.

Ускунанинг тўлиқлигини визуал текширгандан сўнг, таянч конструкцияни йиғишига ўтиш лозим.

80. Қуёш сув иситиш қурилмаларини қуидаги ҳолларда монтаж қилинмаслиги керак: ёғингарчилик, ташқи ҳаво ҳарорати ва шамол тезлиги юқори бўлган вақтларда;

қуёш сув иситиш қурилмаларини коррозияга фаол моддалари (масалан, тузлар, туз туманлари, шўр сувлар, фаол кимёвий буғлар, кислотали ёмғир ва бошқалар) мавжуд мухитларда;

қуёш сув иситиш қурилмаларини нам ҳолатда, техника хавфсизлиги талабларини таъминламасдан;

қуёш нурларини тўғридан-тўғри йўналтирувчи мосламаларни қуёш сув иситиш қурилмаларига қаратиб қўйишга;

қуёш сув иситиш қурилмаларини монтаж қилиш ишларини олиб боришда уларнинг юза қисмини зарап етказилганда (қирилганда, дарз кетганда);

қуёш сув иситиш қурилмаларини бино ва иншоотлар том қисмининг қопламасига.

81. Қуёш сув иситиши қурилмаларини монтаж қилиш бўйича ишчи хужжатдаги чизмаларининг асосий таркиби ГОСТ 21.1101-2013 ҳамда қуйидаги жадвалга мувофиқ шакллантирилиши лозим.

Ишчи хужжатдаги чизмаларнинг асосий таркиби

Ишчи хужжатларнинг асосий тўпламларини номи	МДҲдаги қискартмаси	Изоҳ
Архитектура ва қурилиш ечимлари	АС	Архитектура ва конструктив ечимлар (КМдан ташқари) ишчи чизмаларини бирлаштирганда
Иситиш, шамоллатиш ва ҳавони тозалаш	ОВ	
Электр жиҳозлар	ЭМ	

ШНҚ 2.04.16-23 “Қүёш сув
иситиши қурилмалари”
шахарсозлик нормалари
ва қоидаларига
1-ИЛОВА

**Қүёш сув иситиши қурилмаларини қўлланилишининг иқтисодий мақсадга
мувофиқлигини аниқлаш**

Қүёш сув иситиши қурилмалари қўйидаги шарт бажарилганда иқтисодий мақсадга
мувофиқ деб ҳисобланади:

$$f < \eta,$$

бу ерда:

η -ушбу ШНҚнинг 6-иловаси бўйича аниқланадиган қүёш сув иситиши
қурилмаларининг мавсумий ёки йиллик фойдали иш коэффициенти;

f – қўёш сув иситиши қурилмаларининг иқтисодий самарадорлигининг мезони
қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$f = \frac{K(E_w + a)10^6}{3,6C \sum_{z,j,i} q_i}$$

бу ерда:

E_w – капитал харажатлари самарадорлигининг меъёрий коэффициенти;

a – фойдаланиш сарфларини қоплаш учун ажратмалар меъёри (меъёрий
маълумотлар бўлмаган ҳолда, капитал харажатлардан 0,1 катталикда қабул қилинади);

K – қўёш сув иситиши қурилмаларига сарфланадиган солиштирма капитал
харажатлар, сўм/ m^2 қўёш сув иситиши қурилмаларига;

C – аралаштирилган иссиқликнинг солиштирма қиймати, сўм/GJ.

ШНҚ 2.04.16-23 “Қүёш сув
иситиши қурилмалари”
шаҳарсозлик нормалари
ва қоидаларига
2-ИЛОВА

Торайиш мосламаси шаклидаги ўзини-ўзи бошқарувчи фаол элементнинг геометрик ва гидродинамик кўрсаткичларини ҳисоблаш

Торайиш мосламаси шаклидаги ўзини ўзи бошқарувчи фаол элементнинг геометрик ўлчамларини куйидаги формула бўйича аниқлаш лозим.

$$\frac{D}{d} = \sqrt[4]{\frac{\alpha_2}{\alpha_1}} \left(1 + \frac{2gm}{\alpha_2 W_2^{*2}} \right),$$

бүрдэ:

D – торайиш мосламаси кенг кесимининг диаметри, м;

d – торайиш мосламаси тор кесимининг диаметри, м;


α_1 , α_2 – торайиш мосламасининг тор ва кенг кесимларидаги кориолис коэффициентлари, маълумотлар бўлмаган ҳолларда $\alpha_1=\alpha_2=1$ деб қабул қилиш лозим;

H – гелиокурилманинг геометрик баландлиги, м;

g – эркин тушиш тезланиши, m/s^2 ;

W_2^* – вентури қувурининг кенг кесимидағи сувниг рухсат этилган тезлиги, $W_2^*=1\div1,5$ м/с.

Торайиш мосламасида оқимнинг торайиш даражаси (D/d) гелиоқурилманинг геометрик H баландлигига боғлиқ бўлиб, тизимнинг энг паст сатҳидан энг юқори нуктасигача бўлган баландлик 2 m дан 25 m гача бўлганда (D/d) 2 дан 5 гача ўзгариши куйидаги 8-расмга мувофиқ бўлиши лозим.



8-расм. Торайиш мосламаси шаклидаги ўзини ўзи бошқарувчи фаол элементнинг (D/d) диаметрлар нисбатининг гелиокурилманинг H баландлигига боғлиқлиги.

Торайиш мосламаси шаклидаги ўзини ўзи бошқарувчи фаол элементнинг гидродинамик кўрсаткичларини (маҳаллий қаршилик коэффициентини) қуидаги

формула бўйича аниқлаш лозим:

эгричизиқ конфузорли ўтишлар учун

$$\zeta_{ech} = 17,639 Re^{-0,464} \left(D/d \right)^{0,66} \left(\delta/d \right)^{0,09}$$

тўғричизиқ конфузорли ўтишлар учун

$$\zeta_{tch} = 8,046 Re^{-0,379} \left(D/d \right)^{0,70} \left(\delta/d \right)^{0,09}$$

бу ерда:

ζ – эгричизиқ конфузорли ζ_{ech} ва тўғричизиқ конфузорли ζ_{tch} торайиш мосламаси учун маҳаллий қаршилик коэффициенти;

$Re = \nu d / v$ – рейнольдс мезони (сони);


v – тор кесимдаги тезлик, m/s;

δ – тор кесим деворларнинг ён томонларидағи тешиклар диаметри, м. Тенгламалар вентури кувури кўринишидаги тораювчи мосламалар учун кўлланилади, бунда тўғричизиқли диффузорларининг конусли бурчаги $\alpha_\theta = 7^\circ$ тенг бўлиб, конфузорлари эса эгричизиқли $R_k=1,5 \div 4d$ радиусда чизилган ёки тўғричизиқли $\alpha_k = 30^\circ$ бурчакда бирлашган бўлиши, $Re=(0,25 \div 1,5) \cdot 10^5$; $D/d=2 \div 5$ ва $\delta/d=0,2 \div 0,6$ оралиғида бўлганда амал қиласи.

ШНҚ 2.04.16-23 “Қүёш сув
иситиши қурилмалари”
шаҳарсозлик нормалари
ва қоидаларига
3-ИЛОВА

**Сувли иссиқлик аккумуляторлари учун перфорацияли қувур шаклидаги ўзини ўзи
бошқарувчи фаол элементнинг геометрик ва гидродинамик кўрсаткичларини
ҳисоблаш**

Сувли иссиқлик аккумуляторларда сувни унинг ҳароратига қараб, тегишли ҳарорат қатламларига селектив тақсимлаш ва улардан сувни олиш учун мўлжалланган перфорацияланган қувур шаклидаги ўзини ўзи бошқарувчи фаол элементларнинг геометрик ва гидродинамик кўрсаткичларини ҳисоблаш қуйидаги 9-расмга мувофиқ амалга оширилади.



9-расм. Стратификацияли иссиқлик аккумуляторининг ўз ўзини бошқарувчи фаол элементини ҳисоблаш схемаси.

Ҳисоблаш жараёнида қуйидаги катталиклардан фойдаланиш керак:
сув тақсимлагичнинг узунлиги l ;
иситувчи (иситиладиган) иссиқлик ташувчисининг сарфи G ;
иситувчи (иситиладиган) иссиқлик ташувчисининг ҳарорати t ;
аккумулятор бақдаги сувнинг ҳарорати t_o ;
перфорация тешикларининг диаметри d_n ;
перфорация тешигининг сарф коэффициенти μ ;
сув тақсимлагич ички сиртининг абсолют ғадир-будирлиги k .

сув тақсимлагичнинг кўндаланг кесимини юзаси F ;
 сув тақсимлагичнинг перфорация тешикларини йифинди юзаси f ;
 сув тақсимлагичнинг 1 м узунлигига тўғри келадиган перфорация тешиклари сони m ; сув тақсимлагичнинг тўла гидравлик қаршилиги Δp .

Ҳисоблаш икки босқичда амалга оширилади: дастлабки ва яқуний.

Дастлабки босқичда:

1) икки қатламли стратификация учун барқарорлик ҳолати:

$$Ri = \frac{\Delta \rho g H}{\rho V_s^2} < Ri_{sch}$$

бу ерда:

H – икки қаватли стратификация оқимнинг умумий чуқурлиги, м;

$v_s = v_2 - v_1$ – юқори ва қуий қатламлардаги тезликларнинг фарқи, м/с;

$\Delta \rho = \rho_2 - \rho_1$ юқори ва қуий қатламлардаги зичликларнинг фарқи, kg/m^3 ,

аккумулятор ҳажмидаги иссиқлик ташувчисининг оқими учун модификацияланган Ричардсон мезонининг критик қийматини ҳисобга олган ҳолда:

$$Ri_a \geq Ri_{sch} \geq 0,85 \div 1,0$$

сув оқиб чиқишининг максимал ҳисобий тезлиги v_{max} қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$v_{max} = \sqrt{\frac{gl}{Ri_{sch}} \frac{\Delta \rho}{\rho}};$$

2) сув оқиб чиқишининг ўртача ҳисобий тезлиги $V_{o'rt}$ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$v_{o'rt} = \frac{V_{max}}{V_s} = \frac{V_{max}}{\frac{\pi}{4} D_p^2} = \frac{2V_{max}}{\pi D_p^2};$$

3) сув тақсимлагич шартли тирқишининг ҳисобий юзаси қуйидаги формула асосида топилади:

$$f_p = \frac{G}{3600 \rho v_{o'rt}} ;$$

4) $\mu f^{sch} \leq 1$ шартдан келиб чиқиб $(\mu f^{sch})_p$ катталигини дастлабки ҳисобий сонли қийматни берган ҳолда сув тақсимлагичнинг ҳисобий кўндаланг кесим юзаси қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$F_p = \frac{\mu f_p}{(\mu f^{sch})_p};$$

5) сув тақсимлагичнинг ҳисобий ички диаметри қуйидаги формулага кўра аниқланади:

$$D_p = \sqrt{\frac{4F_p}{\pi}} ;$$

6) қувурларнинг мавжуд бўлган сортаменти бўйича сув тақсимлагич учун энг яқин ўлчамлари бўлган стандарт қувур танланади ва унинг ҳақиқий диаметри қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$D \geq D_p;$$

7) сув тақсимлагичнинг ҳақиқий кесим юзаси қуйидаги формулага кўра аниқланади:

$$F_f = \frac{\pi D_p^2}{4} ;$$

8) сув тақсимлагичнинг бошидаги сувнинг ҳақиқий тезлиги қўйидаги формула асосида аниқланади:

$$W_h = \frac{G}{3600\rho F_f} ;$$

9) Рейнольдс мезони қўйидаги формулага кўра ҳисобланади:

$$Re = \frac{W_h D_f}{v};$$

10) ишқаланиш қаршилик коэффициенти қўйидаги формулага асосан аниқланади:

$$\lambda = 0,11^4 \sqrt{68/Re + k/D_f};$$

11) сув тақсимлагичнинг параметри қўйидаги формулага кўра ҳисобланади:

$$\bar{\lambda} = \lambda / D_f;$$

12) қуёш сув иситиш қурилмаси ичидаги иссиқлик ташувчиси оқими учун модификацияланган Ричардсон мезони қўйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Ri_k = \frac{-g l \Delta \rho}{w_k^2 \rho};$$

13) уч ҳолатнинг қайси бири содир бўлиши аниқланади:

1-ҳолат $\bar{Ri} \leq 0,2$;

2-ҳолат $\bar{Ri} > 0,2$ ва $|Ri_k| \geq 5$;

3-ҳолат $\bar{Ri} > 0,2$ ва $|Ri_k| < 5$.

Биринчи ва иккинчи ҳолатларда ишқаланишга босим йўқолиши ҳисобга олинмайди ва μf_f^{ech} ҳақиқий қиймати қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mu f_f^{ech} = \begin{cases} 1,5\pi Ri_e [1 - (1 - 2Ri_e)^{1.5}]^{-1} \leq 0,5 \\ 1,5 \operatorname{Arc sin}(2Ri_e)^{-0.5} Ri_e \geq 0,5 \end{cases}$$

Учинчи ҳолатда, сув тақсимлагич деворларининг узунлиги ва ғадир-будурлигини ҳисобга олиниши керак бўлганда μf_f^{ech} қиймати мазкур илованинг 10-расмидаги графиклар орқали аниқланади.

14) қабул қилинган $(\mu f_f^{ech})_p$ ҳисобий қийматини ва олинган ҳақиқий μf_f^{ech} қиймати билан солиштирилади.

$$(\mu f_f^{ech})_p \approx \mu f_f^{ech},$$

бўлганда ҳисоблашнинг якуний босқичига ўтилади.

$$(\mu f_f^{ech})_p \neq \mu f_f^{ech},$$

бўлмагандаги ҳолда $(\mu f_f^{ech})_p$ га янги ҳисобий қиймат берилиб, мазкур илованинг 4-бандидан бошлаб ҳисоблаш қайтарилади.

Якуний босқичда:

1) шартли тирқишининг ҳақиқий юзаси қўйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$f_f = \frac{(\mu f_f^{ech})_{F_f}}{\mu};$$

2) сув оқиб чиқишининг ҳақиқий ўртча тезлиги қўйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$v_{ort.}^f = \frac{G}{3600\rho f_f};$$

3) сув оқиб чиқишининг ҳақиқий максимал тезлиги қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$\frac{f \frac{\rho g l}{\Delta p}}{v_{max}^2}$$

4) аккумулятор ҳажми ичидағи иссиқлик ташувчисининг оқими учун модификацияланган Ричардсон мезонининг ҳақиқий қиймати қуйидаги формула асосида хисобланади:

$$Ri_f = \frac{-gl}{v_{max}^2 \frac{\Delta p}{\rho}}$$

5) аккумулятор ҳажми ичидағи иссиқлик ташувчисининг стратификациялы оқимини барқарорлиги шартини текшириш қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$|Ri_f| > Ri_{sch} = 0,85 \div 1,0;$$


6) сув тақсимлагичнинг қаршилиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$Ri < 0,5 \text{ бўлганда } \Delta p^{sch} = \frac{\rho W_H^2}{2};$$

$$Ri > 0,5 \text{ бўлганда } \Delta p^{sch} = \left[\frac{2,47}{(\mu f^{sch})^2} + 1 \right] \frac{\rho W_H^2}{2};$$

7) перфорация йўли билан очиладиган тешикчалар сони қуйидаги формулага қўра хисобланади:

$$m = 4f/\pi d_n^2 l.$$



10-расм. Ричардсон Ri_k сонига сув тақсимлагичнинг шартли тирқиши параметрининг критик қийматларининг боғлиқлиги.

1, 2, 3 – эксперимент $\lambda \bar{l} = 0,28; 0,30; 0,36$, 4 – электрон хисоблаш усулида олиб борилган;
5 – хисоблаш формулалар бўйича

ШНҚ 2.04.16-23 “Қүёш сув
иситиши қурилмалари”
шаҳарсозлик нормалари
ва қоидаларига
4-ИЛОВА

Қүёш сув иситиши қурилмаларининг энергия самарадорлигини аниқлаш

Қүёш сув иситиши қурилмаларининг энергия самарадорлигини куйидаги формула орқали аниқлаш лозим.

$$K_{sf} = \frac{\Delta Q_{yil}}{Q_{i.s.t.}} \cdot 100 \text{ фоиз}$$

бу ерда:

ΔQ_{yil} – йил давомида фойдаланиш даврида қүёш сув иситиши қурилмалари билан сақланган энергиянинг ҳисобий миқдори, MJ;

$Q_{i.s.t.}$ – йил давомида иссиқ сув таъминоти эҳтиёжлари учун иссиқлик энергиясининг ҳисобий миқдори, MJ.

Йил давомида фойдаланиш даврида қүёш сув иситиши қурилмалари билан сақланган энергиянинг ҳисобий миқдори гелиоқурилма ишлаб чиқарган иссиқлик энергияси билан унинг жихозларидан фойдаланиш учун сарфланадиган электр энергиясини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иссиқлик энергияси орасидаги фарқи орқали аниқланади.

$$\Delta Q_{i.s.t.} = Q - 0,009 \cdot N_{z^*} \cdot \tau \cdot n, \text{ MJ},$$

бу ерда:

Q – йил давомида фойдаланиш даврида гелиоқурилма томонидан иссиқ сув таъминоти эҳтиёжларига ишлаб чиқарган иссиқлик энергиясининг миқдори MJ;

N_{z^*} – гелиоқурилма электр жихозлари ва тегишли асбоб-ускуналарнинг истеъмол қиласидиган қуввати W;

τ – сутка давомида гелиожихозларнинг соатларда ишлаш вақти h/d;

n – йил давомида гелиожихозларнинг суткаларда ишлаш вақти d/йил.

Иссиқ сув таъминоти эҳтиёжи учун сарфланадиган иссиқлик энергиясининг ҳисобий миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$Q_{i.s.t.} = G_{i.s.t.} \cdot c(t_i - t_s) n_{i.s.t.} / 1000, \text{ MJ},$$

бу ерда:

$G_{i.s.t.}$ – КМҚ 2.04.01-98 га мувофиқ аниқланган истеъмолчилар томонидан иссиқ сувнинг суткалик сарфининг умумий меъёри kg/d;


c – сувнинг солиштирма иссиқлик сигими $c = 4,2 \text{ kJ/(kg}\cdot\text{°C)}$;




t_i – иссиқ сувнинг ҳисобий ҳарорати °C;

t_s – совуқ сувнинг ҳисобий ҳарорати °C;

$n_{i.s.t.}$ – йил давомида иссиқ сув таъминоти тизимининг ишлаш давомийлиги d/йил.

Қүёш сув иситиши қурилмалари





5-расм. Қүёш сув иситиш қурилмаларининг схемалари:

- a) бир контурли табиий циркуляцияли;
- b) бир контурли түғри оқимли;
- d) бир контурли ўзини ўзи дренаж қиладиган насос циркуляцияли;
- e) икки контурли ўзини ўзи дренаж қиладиган насос циркуляцияли;
- f) сувнинг доимий ҳароратли икки контурли насос циркуляцияли;
- g) уч контурли ўзини ўзи дренаж қиладиган насос циркуляцияли;
- h) уч контурли ўзини ўзи дренаж қиладиган насос циркуляцияли ва бак-аккумуляторда иккита илонсимон қувур билан;


1 – қүёш сув иситиш қурилмаси;

2 – бак-аккумулятор;


- 3 – сув иситиш дублёри;
- 4 – циркуляция насоси;
- 5 – дренаж баки;
- 6 – торайиш мосламаси күринишидаги фаол элемент;
- 7 – ҳарорат регулятори;
- 8 – иссиқлик алмаштиргич;
- 9 – кенгайиш баки.

Қуёш сув иситиш қурилмалари

a)



б)



6-расм. Турли хил сувли иссиқлик аккумуляторлари ва сувни иситиш учун дублёрлар билан жиҳозланган қуёш сув иситиш қурилмаларининг амалга ошириш схемаларига мисоллар:

- моновалентли иссиқлик аккумулятори ва электр қиздиргич билан;
- бивалентли иссиқлик аккумулятори, электр қиздиргич ва мавжуд бўлган қозонхона билан.

Қуёш радиацияси интенсивлигининг ҳисоби

Горизонтал юзага тушаётган ўртача ойлик қуёш энергиясининг суткалик йифинди E ва тарқоқ (диффузия) E_d солиштирма миқдори, $\text{MJ}/(\text{m}^2\text{d})$, осмоннинг равшанлик коэффициенти K_r ва ташки хавонинг ҳарорати $t_h, {}^\circ\text{C}$

Ойлар Кўрсаткичлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Термез (ўрт. 37°)												
E	8,38	11,49	15,11	20,25	26,34	29,28	28,58	26,23	21,64	16,05	10,6	7,67
E_d	3,88	5,35	7,02	9,02	8,17	8,17	8,02	7,52	6,10	5,49	4,22	3,58
K_r	0,47	0,49	0,50	0,61	0,77	0,87	0,88	0,88	0,87	0,77	0,64	0,48
t_h	2,6	6,0	11,4	18,4	24,3	28,2	30,4	28,1	22,4	15,8	9,9	5,1
Фарғона (ўрт. 40°)												
E	6,74	9,31	12,59	17,69	22,92	26,74	26,35	24,25	19,42	13,13	7,99	5,18
E_d	4,05	5,74	6,94	8,81	8,93	8,25	8,09	7,21	6,29	5,53	3,95	3,24
K_r	0,38	0,39	0,41	0,52	0,63	0,75	0,80	0,82	0,80	0,66	0,50	0,34
t_h	-1,7	1,5	7,9	15,6	20,8	25,0	26,9	25,0	19,7	13,1	5,7	0,7
Самарқанд (ўрт. 40°)												
E	8,03	10,23	13,6	18,30	25,06	29,21	28,68	26,18	20,98	13,9	9,07	6,72
E_d	3,80	5,14	6,71	8,28	8,35	7,92	7,15	6,31	6,03	4,98	3,50	3,32
K_r	0,44	0,45	0,46	0,58	0,72	0,85	0,90	0,90	0,86	0,72	0,59	0,45
t_h	0,5	2,8	7,4	14,2	19,3	23,9	25,9	24,0	19,1	2,7	6,6	2,6
Тошкент (ўрт. 41°)												
E	6,21	8,64	12,15	17,51	23,22	26,34	27,13	24,43	19,46	12,69	7,64	5,4
E_d	3,10	4,02	5,26	6,25	6,75	5,84	5,13	4,59	4,31	4,05	3,06	2,7
K_r	0,44	0,45	0,46	0,52	0,59	0,63	0,68	0,68	0,68	0,60	0,49	0,42
t_h	-0,4	2,0	7,9	14,7	20,2	24,9	27,1	25,1	19,6	12,8	6,7	2,0
Зарафшон (ўрт. 42°)												
E	7,79	10,96	14,76	19,58	25,42	28,68	28,24	26,02	20,76	13,92	8,42	5,9

	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Ойлар												
Күрсаткычлар												
E_d	3,63	4,77	6,51	7,81	8,01	6,80	6,32	5,3 2	4,72	4,09	3,31	2,99
K_r	0,46	0,47	0,50	0,56	0,69	0,78	0,83	0,85	0,83	0,73	0,57	0,37
t_h	-2,1	0,0	6,3	14,8	21,6	25,8	28,7	27,0	20,7	13,0	5,1	1,0
Коракалпогистон (ўрт. 45°)												
E	6,23	10,33	14,05	19,14	25,08	26,06	25,99	24,04	18,88	11,99	4,74	4,66
E_d	3,47	5,05	6,72	8,57	8,66	8,97	8,06	6,76	5,47	4,34	1,27	2,70
K_r	0,16	0,46	0,46	0,55	0,71	0,72	0,75	0,80	0,76	0,62	0,43	0,29
t_h	-8,2	-7,9	-0,5	10,3	18,6	24,0	27,0	24,6	17,3	8,0	0,7	-4,4

Йиллик (мавсумий) фойдали иш коэффициенти ва қүёш сув иситиш қурилмаларининг ишлаб чиқардиган йиғинди иссиқлик микдорининг ҳисоби

Йиллик (мавсумий) фойдали иш коэффициенти, иссиқлик сув таъминоти суткали иссиқлик юкланиш бирлигига түғри келадиган ва қуйидаги формулалар бўйича аниқланадиган қүёш сув иситиш қурилмалари майдонига \bar{A} , $m^2/(GJ/d)$ ва бак-аккумулятор сифимига \bar{V} , $m^3/(GJ/d)$ боғлиқ бўлиб мазкур илованинг 7-расмига мувофиқ аниқланади:

$$\bar{A} = 10^6 A / [4,19 G(t_{w2} - t_{w1})]$$

$$\bar{V} = 10^6 A / [4,19 G(t_{w2} - t_{w1})]$$

Курилма ишлаб чиқарган йиғинди иссиқлик микдори Q , GJ , қуйидаги формула бўйича аниқланади:


$$Q = A \eta \sum_{z,j,i} q_i,$$

бу ерда:

Z – қурилманинг ишлаш ойларининг сони;

j – ойдаги кунлар сони;

i – кундаги ишлаш соатлари сони.



7-расм. Күёш сув иситиш қурилмаларининг а-мавсумий, б- йиллик фойдали иш коэффициентини \bar{A} ва \bar{V} қийматларига боғлиқлилиги.